



ERUSEN SHOH, AGAR OGONSEN SEN, AGAR OGONSEN SEN, SHOUSEN SEN

Xabar

49
(1055)-son

7-dekabr

www.xabar.uz
info@xabar.uz

2012

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI ALOQA, AXBOROTLASHTIRISH VA TELEKOMMUNIKATSIYA TEKNOLOGIYALARI DAVLAT OO'MITASI NASHRI

1992-yil martdan chiqq boshlagan

8 dekabr — Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси қабул қилинган кун

Мустақиллик шиори



Жаҳон маданиятининг бешиklarидан бўлмиш кўҳна Шарқ не-не воқеаларга шоҳид бўлмаган. Салтанатлар алмашган, курраи замин ривожига сезиларли таъсир кўрсата олган шоҳу саркардалар келиб кетганлар. Мозийга қараб ана шу даврни таҳлил этиб айтиш мумкинки, қайси салтанат адолат устига қурилган бўлса, у халқ фаровонлигини ўйлаган, юртда илм-фан ва маданиятнинг ривожланишига имкон яратган, шу билан бирга, ўзи ҳам узок яшаган, кучли бўлган.

Темурийлар ва бобурийлар давлатининг асрлар давомида мустақкам турганлигига нафақат тартиб-интизом, машварату маслаҳат, балки адолатга ҳар ишда риоя этилганлиги сабаб бўлган бўлса не ажаб. Буюк Соҳибқирон "Адолат ва озодлик — дастурингиз, раҳбарингиз бўлсин" дея васият қолдириб кетганлиги бежиз эмас.

Ўзбекистоннинг давлат мустақиллиги халқимиз тарихида янги истиқболларни очиб берди. Бутун дунё ҳавас қилса арзигудек юксак маънавиятга эга бўлган, бироқ мустақкам туфайли ўз миллий қадриятлари ва анъаналарини чинакамига қадрлаш имкониятидан маҳрум бўлган жафоқаш халқимиз мана 21 йилдирки, озодлик нашидасини сурмоқда. Утган тарихан қисқа, лекин мазмунан асрларга татигулик бу даврда биз миллий ўзлигимизни англаш, ота-боболаримизнинг бой меросидан буюк келажагимизни барпо этиш йўлида фойдаланиш бахтига мушарраф бўлдик.

2-бет

Сўнги янгилик!

Япония электроника бозорида янги авлод — Sharp IGZO дисплейлари ўрнатилган илк смартфонлар пайдо бўлди. NTT DoCoMo мобил алоқа оператори биринчи бўлиб ўз мижозларига бу смартфонларни тақдим этишни бошлади.

Sharp Aquos Phone Zeta SH-02E смартфонни энг ёрқин ва тиниқ тасвирли дисплейга эга бўлса-да, энергия тежамкорлиги мақтовга сазовор. Унга 4,9-дюймли дисплей ўрнатилган бўлиб, Android амалиёт тизимида ишлайди. Янги ишланма LTE тармоқлари учун мўлжаллангани ишлаб чиқарувчи томонидан маълум қилинган.



Алоқа оламида

Ушбу сонда:

■ Онлайн-танлов: Парламентаризм билимдони	2
■ Дастурий маҳсулотлар — тараққиёт кафолати	4
■ Sony презентовала 4K-телевизор за 25 000 долларов	6
■ Таълим ва АКТ	12
■ Энг фаол китобхон	14
■ Касаба уюшмалари беллашди	15

Теледастурлар, спорт, сканворд

Jumadan Jumagacha

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 2012 йил 5 декабр куни Ашхобод шаҳрида ўтказилган Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДҲ)га аъзо Давлатлар раҳбарлари кенгашининг навбатдаги мажлисида иштирок этди. Саммит якуни буйича МДҲ Давлат раҳбарларининг Ҳар томонлама ҳамкорликни янада ривожлантириш тўғрисидаги декларацияси қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўнинчи ялпи мажлиси Тошкент шаҳрида жорий йилнинг 5-6 декабр кунлари бўлиб ўтди. Ялпи мажлисда 20та масала, шу жумладан, 8та қонун кўриб чиқилди.

Матбуотда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг "Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг йигирма йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида"ги қарори эълон қилинди.

Пойтахтдаги "Туркистон" саройида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 20 йиллиги муносабати билан мамлакатимиз тараққиётига муносиб хисса қўшаётган бир гуруҳ ёшларга "Ўзбекистон белгиси" кўкрак нишони тоширилди. Тантанали маросимда давлат ва жамоат арбоблари, вазирлик, идора ва муассасаларнинг мутасадди раҳбарлари, "Қамолот" ЕИХ етакчилари, шунингдек, талаба-ёшлар иштирок этди.

Нукусда "Оролбўйи экологик шароитида аграр соҳани ривожлантириш истиқболлари" мавзuida илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Аграр ва сув хўжалиги масалалари кўмитаси томонидан ташкил этилган мазкур тадбирда депутатлар, қишлоқ ва сув хўжалиги, адлия, иқтисодиёт вазирликлари, банклар, фермер хўжаликлари раҳбарлари ҳамда аграр соҳа мутахассислари қатнашди.

Бухоро тасвирий санъат музейида "Конституция — буюк келажакимизнинг ҳуқуқий асоси" мавзuida кўргазма очилди. Тадбир Ўзбекистон Республикаси маданият ва спорт ишлари вазирлиги, вилоят ҳокимлиги ва Бухоро давлат бадиий-меъморчилик музей-кўриқхонаси ҳамкорлигида ташкил этилди.

Жиззахда Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20 йиллигига бағишлаб "Ватан тараққиётига менинг хиссам" шиори остида ёшлар фестивали ўтказилди. Фестивал доирасида вилоят Маънавият тарғиботи маркази биносида ёш расмом, хунарманд ва тадбиркорларнинг кўргазмаси ҳам бўлиб ўтди.

Белгиянинг Кортрейк шаҳри маданият марказида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 20 йиллигига бағишланган тақдирот маросими ҳамда унинг доирасида "Мустақам оила йили" мавзuida суратлар кўргазмаси ўтказилди. Маъмур тадбир Ўзбекистоннинг Брюсселдаги дипломатия миссияси ва Белгиянинг "Spoetnik" хорижий мамлакатлар билан алоқалар уюшмаси ҳамкорлигида ташкил этилди.

Мустақиллик шиори

(Давоми. Бошланishi 1-бетда.)

Мухтарам Президентимиз раҳбарлигида бугунги кунда амалга оширилаётган сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий соҳадаги ислохотлардан қўзланган асл мақсад инсонларга муносиб турмуш ва фаолият шароитларини яратиб беришдан иборат бўлиб, пировард мақсадимиз ижтимоий йўналтирилган барқарор бозор иқтисодиётига, очик ташки сиёсатга эга бўлган кучли демократик-ҳуқуқий давлатни ва фуқаролик жамиятини, яъни адолатли жамиятни барпо этишдир.

1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Конституциямиз ана шу олий мақсадга эришиш йўлида мустақам ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда. Бош қонунимизнинг асосий принциплари ва нормаларининг ҳаётийлиги ва амалиётга тўғри татбиқ этилишининг самараси ўтган давр мобайнида эришилган ютуқларимизда, халқимиз турмуш фаровонлигининг ошиб боришида, жаҳон ҳамжамиятида мамлакатимиз обрў-эътиборининг тобора юксалиб бораётганлигида кўриниб турибди.

Қомусимизнинг 14-моддасида давлат ўз фаолиятини инсон ва жамият фаровонлигини қўзлаб, ижтимоий адолат ва қонунийлик принциплари асосида амалга ошириши белгиланган. Тарих томонидан зиммасига миллатнинг дардларига дармон бўлмоқдек муқаддас вазифа юкланган давлатимиз раҳбари адолатни муқаддас қоя сифатида эъзозлаб, уни мустақиллик-гимизнинг шиорига айлантирган ҳолда истиклолнинг дастлабки кунларида ноқ ҳар бир ишда адолат тантана қилмоғи зарурлигини қайта-қайта таъкидлаб келмоқда. Мустақил Ўзбекистонни ривожлантиришнинг бешта асосий тамойили ҳам айнан шу қоя билан сугорилган. Иқтисодиётнинг сиёсатдан устунлиги, қонун олдида ҳамма-нинг тенглиги, қафолатланган кучли ижтимоий ҳимоя ва ислохотларни бо-



сқичма-босқич ўтказиш адолат нуқтани назаридан нақадар тўғри белгиланганлигини бутун дунё тан олмақда, халқимизнинг ўзи қундалик турмуш ҳаётида теран хис қилмоқда.

Ўтган йилларда амалга оширилган ва оширилаётган ишларни сарҳисоб қилсак, барча тадбирларнинг адолатли эканлигига тўла амин бўламиз. Тилимиз ва динимизнинг тикланганлиги, улуғ бобокалонларимиз ва саркардаларимизнинг буюк номлари яна улуғланаётганлиги, она, аёл, Ватан тушунчаларини эндиликда ўз чинакам маъносидан англай бошлаганимиз, "Номаълум аскар"ни эмас, балки жигарбандларимизни ёд этиб, Хотира ва кадрлар кунини нишонлаётганимиз, мустақамлачилик даврида миллий истиклол йўлидаги интилишлари учун ноҳақ айбланган ватандошларимизнинг хотираси абадийлаштирилганлиги, амнистия тўғрисида қўзлаб фуқаролар қайтадан жамият ҳаётига киришиб кетиш имкониятига эга бўлаётганликлари, тоталитар тузум даврида унут бўлиб кетаётган, лекин ҳар йили энтикиб

кутган Наврўзимизни яна зўр тантаналар билан нишонлаётганимиз — буларнинг барчасини адолат ҳаққи-хурматидан, деб билмоқ керак.

Бугун юртимизда барча софдил, фидойи инсонлар ягона мақсад — миллий давлатчилигимиз пойдеворини янада мустақамлаш йўлида шижоат билан бунёдкорона меҳнат қилмоқдалар. Бу вазифани ҳал этишда бизга ўзимиздан бошқа ҳеч ким беминнат ёрдам бермайди. Аксинча, йиллар ўтиб янги ўзбек модели қўзлаб давлатлар учун андоза вазифасини ўташи, шубҳасиздир. Адолатли жамият барпо этиш учун талайгина вазифаларни амалга оширишимиз зарур. Ушбу мақсадга эришишимиз ишончли қафолати эса юртимиздаги тинчлик-осойишталик ҳамда адолатта ривож этишдир.

Мухтарам Президентимиз таъбири билан айтганда, "Адолат биз қураётган жамиятнинг мезони бўлмоғи даркор".

Зоҳиджон ВОҲИДОВ,
"Ўзбекистон почтаси" ОАЖ
Наманган филиали директори,
юридик файлор номзоди

Барқарорлик гарови

Ўзбекистон Республикаси алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси Бухоро вилоят худудий бошқармаси ҳамда тизимдаги бир қатор ташкилотлар ходимлари иштирокида Конституциямизнинг 20 йиллигига бағишланган "Конституция — фаровон ва барқарор ҳаёт гарови" мавзuida давра суҳбати ўтказилди.

"Ўзбектелеком" АК Бухоро филиали мажлислар залига тўпланган соҳа ходимлари ҳузурда сўзга чиққан фуқаролик ишлари бўйича вилоят суди мутахассиси М.Рожибоев ва А.Мирходжаев ҳамда фуқаролик ишлари бўйича Бухоро шаҳар суди райиси Ф.Давлатов, вилоят прокуратураси бўлими бошлиғи М.Мухамедовлар 1992 йилда Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг ишлаб чиқилиши ва қабул қилиниши, давлат ҳокимиятининг қонун чиқарувчи, ижро

этувчи ва суд тармоқларига бўлиниши принципининг энг муҳим тамойил сифатида эътироф этилиши — буларнинг барча давлат қурилиши йўналишларини белгиллаб берганини таъкидлаб ўтдилар.

Тадбир чоғида Конституция ва қонунларнинг пировард мақсади инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиши қаратилганлиги юзасидан батафсил мулоҳазалар билдирилди.

Алоқа соҳаси ходимлари вакилларини қизиқтирган барча саволларга давра суҳбати ташкилотчилари томонидан апроф-лича жавоблар берилди. Конституциямиз қабул қилинганлигининг 20 йиллигига бағишланган худди шундай тадбир "Ўзбекистон почтаси" ОАЖнинг Бухоро филиалида ҳам бўлиб ўтди.

Аскар ИСТАМОВ,
"Xabar"нинг Бухоро вилоятидаги муҳбири

Онлайн-танлов: ПАРЛАМЕНТАРИЗМ БИЛИМДОНИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси томонидан "Парламентаризм билимдони" онлайн-танлови ғолибларини тақдирлаш маросими ўтказилди.

Бош қомусимиз қабул қилинганлигининг 20 йиллиги муносабати билан ёшлар ўртасида Конституция ҳамда мамлакатимизда қабул қилинган қонунларнинг мазмун-моҳиятини тарғиб қилиш, уларнинг ҳуқуқий ва сиёсий маданиятини ошириш, шунингдек, ёш авлодни миллий парла-

ментаризм фаолиятига оид ахборот билан таништириб бориш мақсадида Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси веб-сайтида (www.parliament.gov.uz) "Парламентаризм билимдони" онлайн-танлови ташкил этилган эди.

Тадбирда республикамизнинг барча вилоятларидан қўзлаб ёшлар иштирок этди ва улар орасидан 150 нафарни жорий йилнинг 2 декабр куни Тошкент шаҳрида ўтказилган тақдирлаш маросимига тақлиф этилди.

Иштирокчилар тадбир доирасида Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси фаолияти билан яқиндан танишдилар. Шу куни "Ёшлар ва ҳуқуқий маданият" видеофильмининг тақдироти ўқазилди.

Ўзбек миллий академик театрида бўлиб ўтган тантанали маросимда танлов иштирокчиларига диплом ва рағбатлантирувчи муқофолар тоширилди. Ёшлар фаолиятини ёритувчи спектакл тадбирга яқун ясади.

Ўз муҳбиримиз

Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирки, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар.

Имтиёзлар фақат қонун билан белгиланиб қўйилади ҳамда ижтимоий адолат принципларига мос бўлиши шарт.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, V боб, 18-модда.



Конституция — бахтимиз қомуси

Эртага юртимизда бахтимиз, фахру ифтихоримиз бўлган Конституциямизнинг 20 йиллиги кенг нишонланади. Куйида ана шу қутлуғ байрам муносабати билан жойларда ўтказилган тадбирлар ҳақида ҳикоя қилинади.

Тошкент ахборот технологиялари университети Қарши филиалида вилоят ҳокимлиги, вилоят прокуратураси, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон либерал-демократик партияси вилоят кенгаши, Қарши туман прокуратураси ҳамкорлигида "Конституция — озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт қуришда муҳим сиёсий ҳужжат" мавзuida давра суҳбати бўлиб ўтди.

Давра суҳбатини филиал директори Одилбек Турғунов кириш сўзи билан очиб, Конституция ҳуқуқий-демократик давлатнинг энг муҳим белгиси эканлиги тўғрисида маъруза қилди.

Шунингдек, Конституция ва сиёсий партиялар, Конституция ва инсон ҳақ-ҳуқуқлари, Конституция — ҳуқуқий-демократик давлатнинг энг муҳим белгиси мавзуларида маърузалар ўқилди.

Ўзбекистон инсонпарвар, демократик жамият, ҳуқуқий давлат барпо этиш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш йўлидан босқичма-босқич тараққий этиб бормоқда. Мустақиллигимизнинг ўтган йитирма бир йиллиги давомида мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар марказида инсон омили, яъни инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг устуворлигига асосланган миллий ҳуқуқий тизим барпо этилмоқда. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ушбу тизимнинг асосий негизини ташкил этади.



публикасининг Конституцияси ушбу тизимнинг асосий негизини ташкил этади.

Конституция нафақат ҳуқуқий негиз, балки халқни озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт қуришдан иборат буюк мақсад атрофида бирлаштирувчи муҳим сиёсий ҳужжатдир. Президентимиз кайд этганидек, "Конституция халқнинг сиёсий донолиги ва тафаккури маҳсулидир".

Давра суҳбати иштирокчилари ўзларини кизиктирган саволларга атрофлича жавоб олдилар.

Афтондил ИСМОИЛОВ

Асосий қонунимизнинг IX боб, 39-моддасида фуқароларнинг ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқлари тўла қафолатланган. Энг муҳими, бу инсонпарварлик мақсадларига йўғрилган ва бегаразлик тамойилига мойил вазифа ижросини таъминлашда соҳамиз ходимлари ҳам фаол иштирок этишмоқда. Улар ўз фаолияти масъулиятини хар қачон чуқур ҳис қилиб ишлашга одатланган. Шу боис тайинланган пенсия, нафақалар ҳамда ижтимоий ёрдамнинг бошқа турлари эгаларига ўз вақтида етказиб берилмоқда.

Бу борада виждонан хизмат қилиб, иззат-ҳурмат қозонаётган ва ҳамкасбларига шахсий намуна кўрсатаётган ходимларимиз оз эмас. Дилором Сатторова буларнинг бири. У кўп йиллардан буён "Денов-3" алоқа бўлимини бошқариб келмоқда. Дилором ола ҳузурига келган хар бир киши билан самимий муносабатда бўлишга ҳаракат қилади. Агар шохобчанинг 640 нафардан зиёд пенсионерга хизмат кўрсатаётганини инобатга оладиган бўлсак, малакали почта ходими фазилати хар қанча қадриқиматга лойиқдир.

Қувонарлиси, истиқлол шарофати сабаб Дилором Сатторова раҳбарлик қилаётган алоқа бўлими биринчилар қаторида замонавийлаштирилди. Ҳозир барча жараёнлар ахборот-коммуникация технологиялари асосида бажарилмоқда. Нафақат худуддаги пенсионер ва нафақа олувчилар, балки Денов шохбека-

ти орқали олис манзилларга отланаётган йўловчилар ҳам манзур хизматдан мамнун бўлишмоқда.

Хайриобод кишлоғида хизмат кўрсатаётган Галина Верченко ҳам худди Дилором опамиздек хизмати билан эл назарида тушган. Аниқроғи, Хайриобод алоқа бўлимига ташриф буюраётганлар соҳамиз фахрийсидан хурсанд. Айниқса, ўз йигитлик бурчини ўтаётган Ватан химоячилари ёзган мактублари туғилиб ўсган манзилига тез етиб бораётгани учун мамнунлик билдиришмоқда.

Бир сўз билан айтганда, тармоғимизга қарашли 28та алоқа бўлимида хизмат кўрсатаётган ходимларимиз Конституцияда қафолатлаб берилган ҳуқуқ ва бурчларини сидқидилдан оқлашга интилиб яшашмоқда. Бу эса эришаётган меҳнат муваффақиятларимизни мустаҳкамлашга муносиб ҳисса бўлиб қўшилипти. Бахтимиз қомусининг 20 йиллиги арафасида хизмат турларини яна кўпайтиришга эришдик. Тарихий обида — Саид Оталиқ мадрасаси қошидаги майдонда очилган шохобчамиз аҳолига матбуот ва уяли алоқа телефонларини таъмирлаш хизматларини кўрсатмоқда. Хуллас, жамоамиз амалдаги Мустаҳкам оила йилини шундай манзур хизматлар ва соҳадаги туб ўзгаришлар билан якунлашга астойдил ҳаракат қилмоқда.

Акбаржон ТИЛАКОВ,
Денов тумани почта алоқаси тармоғи бошлиғи ўринбосари

Жорий йилнинг 27 ноябрида UZINFOCOM марказининг мажлислар залида марказ ходимлари билан Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20 йиллигига бағишланган "Инсониятнинг ахборот тамаддунидаги ўрни" мавзuida ёзувчи, журналист, филология фанлари доктори Хуршид Дўстмухаммаднинг ижодий мулоқоти бўлиб ўтди.

Комусимизнинг XV боб, 67-моддасида "Оммавий ахборот воситалари эркиндир ва қонунга мувофиқ ишлайди. Улар ахборотнинг тўғрилиги учун белгиланган тартибда жавобгардирлар..." дейилган. Бугунги қунда ахборот майдони ҳисобланмиш интернетда хабар жойлаштириш этикаси муҳим ҳисобланади. Инсоният "глобаллашув" деб аталган янгича ҳамкорлик алоқалари йўлга қўйилган ва бу алоқалар жадал сурьатларга кенгайиб бораётган янги тараққиёт босқичига чиқди. Бунинг натижасида "глобаллашув" сўзи иктисодийгина эмас, ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий ва бошқа қарийб барча соҳалардаги

умуминсоний жараёнларни камраб олувчи тушунчага айланиб улгурди. Ахборот глобаллашуви муаммолар муаммоси даражасига қўтарилди. Ижодий мулоқот жараёнида Хуршид Дўстмухаммад интернет тизимида хабар жойлаштириш, яъни пайдо бўлган "интернет журналистикаси", ахборот хавфсизлиги каби масалалар ҳақида ўз мулоҳазаларини билдирди.

Мулоқот кўтаринки кайфиятда ўтди. Тингловчилар Хуршид Дўстмухаммадга ўзларини кизиктирган саволларни беришди. Зеро, қонунлар жамиятдаги барча муносабатларни уйғунлаштирувчи, мувоzanатга солувчи асосий восита экан, жамиятга қарата матбуотда ёки интернет тармоғида муносабат билдирувчи хар бир касб эгаси учун бир томондан қонун, иккинчи томондан умуминсоний ва миллий қадриятлар тизими таянч вазифасини ўтади.

Нигора УМАРОВА,
ZiyoNET ахборот-ресурс тармоғи етакчи мутахассиси

Мамакатимиз Конституциясининг 20 йиллигига бағишланган тадбир "Ўзбектелеком" АК "Телекоммуникация транспорт тармоғи" филиалида ҳам бўлиб ўтди. Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати Жаҳонгир Бобоев иштирок этди ва сўзга чиқди.

Маърузада Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг яратилиш тарихи, уни ишлаб чиқиш жараёни ҳақида батафсил маълумот берилди. Тадбирда, шунингдек, Бош қомусимизда миллий қадриятларимиз, тарихимиз, инсонни улуглаш каби муқаддас гоилар ҳам эттирилган, мамлакатимиздаги турли миллат, дин вакиллари эмин-эркин ҳаёт кечирिशлари қафолатланганлиги ҳамда халқ манфаати ҳамма нарсадан устун эканлиги белгиланганлиги ҳақида сўз борди.

Йиғилиш қатнашчиларининг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан ишлаб чиқилаётган ва қабул қилинаётган янги қонунлар ҳақидаги саволларига ҳам Ж.Бобоев батафсил жавоб берди.

Қ.САРИМСОҚОВ,
"Телекоммуникация транспорт тармоғи" филиали касоба уюшмаси қўмитаси раиси



Марғилон шаҳар прокуратураси, "Қамолот" ЁИХ шаҳар кенгаши ҳамда бир қатор ташкилотлар ҳамкорлигида Ўзбекистон Республикаси Конституциясини қабул қилинганлигининг 20 йиллиги муносабати билан шаҳардаги педагогика коллежида тадбир ўтказилди. Унда шаҳар прокурори ёрдамчиси Ғолиб Мирзаев "Конституция — бахтимиз қомуси" мавзuidaги маърузаси билан иштирок этди.

Шунингдек, 1-тиббиёт коллежида ўтказилган тадбирда ҳам шаҳар прокурори катта ёрдамчиси Бахтиёр Собиров "Бош қомусимизнинг ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий ҳаётимиз ва мамлакатимиз ривожига бекиётган ўрни ва ахамияти" мавзuida маъруза ўқиди.

Бу тадбирларда ўқувчилар ўртасида ҳуқуқ масалаларига оид "Сиз қонунни биласизми?" мавзuida кўрик-танловлар ўтказилиб, ғолиблар асдалик совғалари билан тақдирландилар. Тадбирда "Асосий қонунимизга 20 йил", "Конституциямиз — қафолатлар қўзғуси" деб номланган қонунлар, меъёрий ҳужжатлар, фармойишлар, фармонлар, қўлланмалардан иборат китоблар кўрғазмаси ташкил этилди.

Муҳаммаджон МАҲМУДОВ

Xalqaro haqot



ФРАНЦИЯДА 2012 йили ишсизлар сони сўнгги 14 йилдаги энг юқори кўрсаткич — 3,1 миллион кишини ташкил этди. Мамлакат меҳнат вазириликнинг хабар беришича, иқтисодий муаммолар туфайли ишсизлар сони бундан-да ортиши мумкин. Бироқ ҳукумат иқтисодиётни қўллаб-қувватлаш ва бандликни таъминлаш бўйича олиб борилаётган чора-тадбирлар 2013 йили ўз натижасини беришига умид қилмоқда.

АҚШда, орадан бир ой ўтган бўлишига қарамай, "Сэнди" довули келтирилган талафотларни буткул бартараф этишининг имкони бўлмапти. Жумладан, мамлакатнинг шимоли-шарқий қисмидаги 30 мингга яқин хонадон айна қаҳратон киш пайти иссиқлик ва электр манбаисиз қолмоқда, одамлар фақат газ плиталари ёрдамида исинишмоқда, дея хабар беради CBS телеканали. Манбанинг маълум қилишича, келтирилган зарар 30-50 миллиард долларни ташкил этади.

Офат рўй берган ҳудудлардаги аҳолининг аксарият қисми турли суғурталарга эга бўлса-да, уларнинг кўпчилиги компаниялардан бир цент ҳам олишолмапти.

Эслатиб ўтамиз, "Сэнди" довули 29 октябр куни АҚШнинг шимоли-шарқий қисмида содир бўлган. Оқибатда 100 нафарга яқин одам ҳалок бўлган. Нью-Йоркда қурбонлар сони 43 нафарни ташкил қилган.

АМЕРИКА компанияларидан бири 60 сутка давомида ўз сифатини ўзгартирмайдиган янги нон ёпиш усулини ишлаб чиқди. Бундай нон микротўқинли печдан ўтганда унинг нурлари хамир таркибидаги мавжуд могорлашга олиб келувчи моддаларни ўлдирди.

БОРУТ ПАХОР Словениянинг янги президенти этиб сайланди. У президентлик сайловининг иккинчи bosқичида 67,4 фоиз овоз тўплади. Амалдаги президент Данило Тюркга эса 32,6 фоиз овоз берилган. Янги сайланган президентнинг 23 декабр куни ўз вазифасига киришиши кутилмоқда. Сайлов натижалари эълон қилингандан кейин Пахор уни иқтисодий инкироздан катта азият чеккан халқни иқтисодий ва ижтимоий муаммолардан халос бўлиш йўлида бирлаштиришдек ўта кийин вазифа кутиб турганини таъкидлади. Данило Тюрк эса ўз мағлубиятини тан олиб, Пахорни ғалаба билан табриклади. Шунингдек, охириги беш йил давомида уни қўллаб-қувватлаган фуқароларга ҳам миннатдорлик билдирди.

АЛЯСКА соҳилларида 5,8 магнитудали зилзила содир бўлди. Табиий офат вақтида ўша ерда бўлган шахсларнинг айтишича, ер қимирлаши Анкориж ва шаҳар атрофидаги ҳудудларга 30 сония давом этган. Зилзила оқибатидаги вайрона ҳамда жабрланганлар ҳақида хабарлар берилмаган.

"АССОШИЭЙТЕД ПРЕСС" хабар беришича, Ер сайёрасининг энг кекса одами дея тан олинган америкалик Бесси Купер Жоржия штатидаги қариялар уйида 116 ёшида вафот этди. Марҳума яқинларининг айтишича, Купер ўлимига қадар бир неча кун давомида ошқозон инфекциясидан азият чеккан.

Бесси Купер 2012 йил январда Ернинг энг кекса аёли сифатида "Гиннес рекордлар китоби"га киритилган эди. Майда эса яна бир номзод чиқиб қолди, яъни бразилиялик Мария Гомес Валентин Купердан 48 кунга катта эканлиги аниқланди. Бироқ июн охирида Гомес Валентин вафот этганди ва Бесси Купер яна сайёранинг энг кекса момосига айланганди.

Дастурий маҳсулотлар — тараққиёт кафолати

БМТ экспертлари шундай тўхтамга келишди

Янги даромад манбаларини яратиш ҳамда иқтисодий-ижтимоий тараққиёт бобида юксак марраларни забт этишни истаган ривожланаётган мамлакатлар ҳукуматлари учун дастурий таъминот соҳаси яхши дастак бўлиши мумкин. БМТнинг Савдо ва тараққиёт (ЮНКТАД) анжумани экспертлари шу фикрдалар. Уларнинг бу йилги ахборот иқтисодиётга доир тайёрлаган маърузаси айнан ривожланаётган мамлакатларда дастурий таъминот соҳасининг ролига бағишланди.

"Ахборот-коммуникация технологиялари жамиятимизни шакллантиришда давом этапти. Сўнгги йилларда мобил телефон алоқаси, интернет ва кенг поласали каналларга уланish ривожланаётган дунёнинг барча мамлакатларида кескин яхшиланиб бораётганига гувоҳимиз. Бу тенденциялар "ахборот жамияти - ҳамма учун" мақсади йўлидаги ровларни мунтазам бартараф этиб бормоқда", — дейилди БМТ Бош қотиби Пан Ги Муннинг мазкур маъруза учун сўзбошисида.

Маъруза муаллифлари ривожланаётган давлатларнинг дастурий таъминот борасидаги имкониятларини юқори баҳолаб, ҳамма гап бундан унумли фойдаланишда эканлигига урғу беришган. Маълумотларга кўра, 2011 йили компютер дастурий таъминоти ва хизматлари учун харажатлар жаҳон бўйича 1,2 трлн. долларни ташкил этган. Бу маблағнинг қарийб бешдан тўрт



АТ-хабарлар



Жаҳондаги йирик интернет-савдо компанияси — Amazon.com сўнгги 10 йиллик тарихидаги энг йирик миқдордаги — 3 млрд. долларлик облигацияларини чиқарди. Компания маълум қилишича, бу молиявий тадбир Amazon учун Сиятлда янги биносини сотиб олишга ёрдам беради.

Moody's Investor Services компания облигацияларини Ba1 рейтингини билан баҳолаган бўлса, Standard & Poor's AA-даражасини берган.

amazon.com
and you're done.



Microsoft корпорацияси 28 ноябрга қадар 40 млн. нусхадан ортқ Windows 8 амалиёт тизими ва Windows Store иловаларини сотишга муваффақ бўлган. Бу ҳақда компания бош маркетинги (ҳозирда молиявий директор) Тами Реллер Microsoft блогда маълум қилди.

Эслатиб ўтамиз, Windows 8 расман 26 октябр куни бозорга чиқарилган.



дастурий таъминоти ва ахборот технологиялари хизматлари экспорти ҳажми мамлакатнинг ички дастурий таъминот ва хизматлари харажатларидан юқори. Бошқа мамлакатларда эса (масалан, Бразилия, Чили, Кения, ЖАР) дастурий маҳсулотларнинг ички бозорида сарф-харажатлар юқори, аммо экспорт ҳажми паст.

Маърузада ички бозорнинг аҳамияти катта эканлиги алоҳида таъкидланган, негаки маҳаллий корхоналарнинг тажриба орттириши янги маҳсулотларни ишлаб чиқишга замин ҳозирлайди. Бу борада Хитой тажрибаси ибратли. Чин мамлакатиде дастурий маҳсулотлар ишлаб чиқиш ҳажми ўта юқори даражада ўсиб борапти: 2000 йили 7 млрд. долларлик дастурий маҳсулот ишлаб чиқилган бўлса, 2011 йилга келиб 285 млрд. (!) долларлик "акли маҳсулот" ишлаб чиқилган. Тўғри, бу маҳсулотнинг 90 фоиздан зиёди мамлакатнинг ўз эҳтиёжларига ишлатилапти, аммо Хитойдан экспорт қилинаётган электротехника қурилмалари дастурий таъминоти сифатида кейинчалик улар барибир хорижга йўл олади.

Мобил алоқанинг омалашиб кетиши ва кенг поласали алоқанинг яхшиланиб бораётганлиги ривожланаётган мамлакатларнинг ҳам дастурий маҳсулотлар ишлаб чиқаришда фаол иштирок этишига имконият бераётганлиги экспертлар томонидан таъкидланган.



Руминия доменларни рўйхатга олувчи хакерлар ҳужумидан зарар кўрди. Google, Microsoft, Yahoo жабрланувчилар орасида.

Киберҳужум оқибатида чоршанба куни бир неча соат Google.ro, Yahoo.ro каби сайтларга киришни истаганлар бошқа фирибгарлик веб-сайтларига йўналтириб юборилган.

Бир неча кун аввал худди шундай ҳолат Покистон доменда ҳам кузатилган ва юқоридаги компаниялар жабр кўрган.



Nokia Siemens Networks оптик толали кабеллар ишлаб чиқариш соҳасини тарқ этади. Компания бизнес фаолиятининг асосий йўналишларини белгилаш доирасида мазкур йўналиш Marlin Equity Partners инвестициялар жамғармасига сотиб юборилди.

Энди, савдо шартномаси доирасида, компаниянинг Германия ва Португалиядаги 1900 нафар ходими янги компанияда фаолиятини давом эттиради.



**АЛОҚА, АХБОРОТЛАШТИРИШ ВА
ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ
НАЗОРАТИ БЎЙИЧА ДАВЛАТ ИНСПЕКЦИЯСИ
жамоаси**



**Юртдошларимизни
8 декабр —
Конституциямиз
қабул қилинган кун
билан самимий
қутлайди.**



**Ватан ободлиги, гуллаб-яшнаши йўлидаги
бунёдкорлик фаолиятингизда зафарлар тилаймиз!**

“ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ” АК

**“ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ
ТРАНСПОРТ ТАРМОҒИ”**

филиали жамоаси

**Азиз ватандошларимизни
ЎЗБЕКISTON РЕСПУБЛИКАСИ
КОНСТИТУЦИЯСИ ҚАБУЛ
ҚИЛИНГАНЛИГИНИНГ 20 ЙИЛЛИГИ
билан самимий муборакбод этади.**



**Юртимиз шуҳрати
бундан-да юксалаверсин!**



**ОАВ Аҳолининг сиёсий ва фуқаролик
фаоллигини оширишда муҳим ўрин тутди**

Жорий йилнинг 3 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси билан ҳамкорликда “Аҳолининг сиёсий ва фуқаролик фаоллигида матбуотнинг роли ва аҳамияти” мавзuida давра суҳбати ўтказди. Унда Қонунчилик палатаси депутатлари, тегишли вазирлик ва идоралар, фуқаролик жамияти институтлари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Хукукий-демократик давлат барпо этиш жараёнида давлат сиёсатининг асосий йўналишларидан бири жамиятда хукукий маданиятни юксалтириш ҳамда аҳолининг хукукий-сиёсий тарбиясини такомиллаштиришдан иборатдир. Ўзбекистонда ушбу йўналишда кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Фуқароларнинг сиёсий ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш механизмлари яратилиб, самарали амалга оширилмоқда. Аҳолининг сиёсий, ижтимоий фаоллигини оширишда, мамлакатимизни демократик янгилаш ва модернизациялашда кучли омил бўлиб ҳисобланган мустақил ОАВ, фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари ривожланмоқда.

— Кенг қамровли демократик ислохотларни амалга ошириш даврида аҳолининг сиёсий ва хукукий маданиятини, сиёсий ва фуқаролик фаоллигини ошириш масалалари долзарб ва устувор аҳамиятга эга, — дейди қўмита аъзоси Шуҳрат Деҳқонов. — Табиийки, ОАВнинг фаолияти фуқаролар сиёсий фаоллигини

юксалтириш, уларни ижтимоий-сиёсий ҳаётга кенг жалб қилиш бўйича олиб борилаётган демократлаштириш ва либераллаштириш ислохотларида ҳаракатлантирувчи кучдир. Чунки, аҳолининг сиёсий-хукукий маданиятини шакллантирувчи субъектлар ичида, айнан оммавий ахборот воситалари инсоннинг бутун онгли ҳаёти давомида ҳамроҳ бўлиб боради. Бошқача айтганда, улар аҳолининг хукукий маданияти, сиёсий ва фуқаролик фаоллигини шакллантиради.

Айнан шунинг учун ҳам истиклол йилларида ОАВни либераллаштириш, мустақиллигини мустаҳкамлаш, уларни жамиятимизнинг сиёсий ва маънавий ҳаётида роли ва аҳамиятини кучайтириш соҳасида кенг қамровли ишлар амалга оширилди. Мустақил босма ва электрон ОАВ фаол шаклланимоқда. Фикрлар хилма-хиллигини таъминлаш, аҳолининг сиёсий маданиятини янада юксалтиришга имкон берувчи партия матбуоти ривожланмоқда. Мамлакатимизда бугунги кунда 1250дан ортиқ босма ва электрон оммавий ахборот воситалари фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг 60 фоизи давлатга қарашли бўлмаган оммавий ахборот воситаларидир.

Аҳолининг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг ахборот манбаларига очқилғи таъминланган. Бугунги кунда деярли барча давлат ва хўжалик бошқаруви органлари интернет тармоғида ўз веб-сайтларига эга. Доимий равишда янгиланаётган ва он-лайн тартибда ишлайдиган веб-сайтлар сонини кўпайтириш орқали нафақат республика аҳолисини, балки мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотлар тўғрисида халқаро жамоатчиликнинг зарур ахборот олиш даражасини ошириш учун шароитлар яратилмоқда.

Сўзга чиққанлар давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтлари ўртасида самарали ҳамкорликни таъминлашда, фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини амалга оширишда, хукукий-демократик давлат куриш ва фуқаролик жамиятини

шакллантиришда ОАВнинг ролини алоҳида таъкидладилар. Маълумки, жамиятда рўй бераётган ўзгаришлар ва янгиланиш жараёнлари биринчи галда матбуотда ўз аксини топмоқда. Айнан шунинг учун оммавий ахборот воситалари одамлар ўз фикр ва фикрларини, содир бўлаётган воқеалар ҳамда амалга оширилаётган ислохотларга ўз муносабати ва позициясини эркин ифода этадиган минбар бўлиши, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очқилғи ва ошқоралигини таъминлаши, аҳолини мамлакатимизда сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий соҳаларда олиб борилаётган ислохотлар тўғрисида хабардор қилиши керак, мухтасар айтганда, ахборот эркинлигини таъминлаш масалаларига устувор вазифа сифатида қараш лозим.

Матбуот, радио ва телевидение материаллари сифати, уларнинг жамоатчилик онгига таъсирчанлик сифатини ошириш ОАВда чоп этилаётган танқидий ва тахлилий материаллар, жиддий сиёсий, иқтисодий ва халқаро шарҳлар сонини кўпайтиришни талаб этади. Фуқароларнинг сиёсий ва хукукий билимларини ошириш, аҳоли ўртасида мақсадли вазифалар, мамлакатда олиб борилаётган ислохотлар мазмун-моҳиятини тушунтириш бўйича амалга оширилаётган фаолият янада фаол ва изчил бўлиши керак. Ушбу шароитларда журналистларнинг профессионал тайёргарлиги, маънавий ва сиёсий етуқлигига талаблар сезиларли ошмоқда.

Давра суҳбати конструктив мулоқот, фикрлар ва тажриба алмашуви руҳида ўтди. Йиғилиш иштирокчиларига Ўзбекистон Республикасида демократия, демократик ислохотлар, аҳолининг сиёсий-хукукий маданияти, сиёсий ва фуқаролик фаоллигини ошириш, жамиятда инсон ҳуқуқлари маданиятини шакллантириш йўлида изчил ҳаракатлар ва қабул қилинаётган чоралар тўғрисида батафсил ахборотлар берилди.

"Информация" — уникальный ресурс, создаваемый самим обществом в процессе его жизнедеятельности. Понятие "информация" относится к числу таких общеполитических категорий, как пространство, время, движение, энергия.

Роль и значение информации в построении гражданского общества

В наши дни выделяют следующие основные подходы к определению термина информации:

- информация — это совокупность сведений, необходимых для активного воздействия на управляемую систему с целью ее оптимизации;

- информация — это набор узкоспециализированных данных, продуцируемых в многомиллиардных количествах во всех сферах деятельности общества;

- информация — это необходимый резерв и ресурс социально-экономического развития общества, подобный другим ресурсам: трудовым, энергетическим, материальным;

- информация — это ценнейший интеллектуальный ресурс в системе жизнеобеспечения общества, важнейшая часть его интеллектуальной собственности, доля которой все более растет в современном обществе.

Существенную роль во всем этом сыграла информатика как наука, как отрасль производства и как прикладная дисциплина, становление и бурное развитие которой происходило именно в последней четверти XX в. За это время люди узнали о мире больше, чем за все предшествующее время существования человеческой цивилизации. По данному вопросу понятий "информация" и "информатика" можно связать с таким видом гражданского института как СМИ.

В Концепции дальнейшего углубления демократических реформ и формирования гражданского общества в стране, который предложил Президент И.Каримов на совместном заседании Законодательной палаты и Сената Олий Мажлиса Республики Узбекистан, один из выдвинутых предложений стало — "Реформирование информационной сферы и обеспечение свободы слова и информации", а именно, Президент И. Каримов отметил что — "Без обеспечения информационной свободы, без превращения СМИ в арену, где люди могут свободно выражать свои мысли и идеи, позиции и отношение к происходящим событиям, нельзя говорить об углублении демократии, политической актив-

СРЕДСТВА
МАССОВОЙ
ИНФОРМАЦИИ
СВОБОДНЫ И
ДЕЙСТВУЮТ В
СООТВЕТСТВИИ С
ЗАКОНОМ. ОНИ
НЕСУТ В
УСТАНОВЛЕННОМ ПОРЯДКЕ
ОТВЕТСТВЕННОСТЬ ЗА
ДОСТОВЕРНОСТЬ
ИНФОРМАЦИИ.
ЦЕНЗУРА НЕ ДОПУСКАЕТСЯ.



Глава XV. Статья 67
Конституции Республики Узбекистан

ности населения, о его реальном участии в политической и общественной жизни страны". В основу данного предложения Президента ложится статья 67 Конституции Республики Узбекистан о том, что "Средства массовой информации свободны и действуют в соответствии с законом. Они несут в установленном порядке ответственность за достоверность информации. Цензура не допускается". Кроме того в Концепции подчеркивается взаимоотношения средств массовой информации и государственными органами власти, в том числе на решение таких проблемных вопросов, как устранение экономических механизмов контроля над СМИ, закрытости источников информации, а также давление, которое испытывают редакции СМИ со стороны органов власти и административных структур. Благодаря Президенту страны в нашей стране очень динамично развивается СМИ как государственные, так и негосударственные. И в целях поддержки негосударственных СМИ, был создан ряд общественных организаций, таких как Национальная ассоциация электронных СМИ, в которую входят сегодня более 100 электронных СМИ. Общественный фонд поддержки и развития независимых печатных СМИ и информационных агентств Узбекистана — подчеркнул

Президент. Что такое электронные СМИ? Роль и значение информации в построении гражданского общества отражается на общественном сознании.

Известно, что в процессе развития гражданского общества происходит формирование норм закона и морали, закладка определенной культуры. В свою очередь, важнейшее составляющее любой культуры — это общественное сознание. Внешним выражением общественного сознания является общественное мнение — совокупность суждений и оценок, характеризующих отношение масс к наиболее значимым проблемам, событиям и фактам. Общественные взгляды в большой степени подвержены влиянию извне. К главнейшим факторам, способным повлиять на настроения граждан, относятся государство и средства массовой информации. Если первый институт оказывал влияние на человечество с давних пор, то, что касается СМИ, в особенности электронных, то они вошли в нашу жизнь сравнительно недавно. Но даже за этот короткий срок они приобрели необычайное господство над человеческим сознанием. Не зря СМИ называют "четвертой властью". Научное определение понятия "средства массовой информации" это средство донесения информации (словесной, звуковой, визуальной) по принципу широковещательного канала, охватывающее большую аудиторию и действующее на постоянной основе. К СМИ относятся: Печатные издания (пресса): газеты, журналы, электронные СМИ.

В понятие электронные СМИ входят радио, телевидение, глобальная сеть интернет и периодические интернет-издания, рекламные щиты и панели. Электронные СМИ буквально окружили человека, заменив ему общение с живыми людьми. Естественно, что в данном случае огромное количество информации из телевизора или интернета оказывает значительное воздействие на умы граждан.

(Продолжение следует.)

А.МУХАММАДИЕВ,
Г.ЮЛДАШЕВА,
доценты Ташкентского
государственного юридического
института

Молодежь против СПИДа

В городских и сельских стодах граждан, учебных заведениях в эти дни проходят мероприятия, направленные на борьбу с распространением СПИДа повышение медицинской грамотности населения, утверждение среди молодежи здорового образа жизни.

Активное участие в их подготовке и проведении принимают сотрудники Хорезмского областного информационно-библиотечного центра. Совместно с работниками областного центра по борьбе со СПИДом, женского центра "Истикболди авлод", областного кенгаша молодежного движения "Камолот" они организуют встречи и беседы со студентами, учащимися профессиональных колледжей и общеобразовательных школ, махаллинской молодежью, на которых идет серьезный и познавательный разговор о коварной болезни, методах защиты от нее. Выступления на них врачей и специалистов сопровождается демонстрацией видеороликов о формах и методах проводимой работы по профилактике распространения ВИЧ-инфекции, о роли семьи, вуза, колледжа, школы в формировании физически и духовно здорового поколения.

В читальном зале ИБЦ развернута книжно-иллюстративная выставка "Молодежь против СПИДа". Представленная на ней литература знакомит посетителей с последними разработками отечественной и зарубежной медицины в области борьбы со СПИДом, осуществляемых в стране и в нашей области мерах по укреплению здоровья населения и, прежде всего, молодежи. С ознакомления экспонатами выставки открылась состоявшаяся здесь встреча со студентами Ургенчского филиала Ташкентского университета информационных технологий, организованная информационно-правовым сектором ИБЦ. В программу мероприятия вошли выступления главного консультанта областного управления юстиции Руслана Матрасулова, заместителя директора областного филиала института здоровья и медицинской статистики Наргизы Назаровой, врача областного Центра по борьбе со СПИДом Шарофат Кучкарковой.

Участники встречи получили широкое представление о характере заболевания, методах защиты от него, проводимой работе по предотвращению распространения ВИЧ-инфекции, а также ответы на интересовавшие их вопросы.

М.ХРИСТЕНКО,
зав. сектором Хорезмского
областного ИБЦ

Новости в сфере ИКТ

IBM: продажи в Киберпонеделник 2012 в США выросли на 30,3%

На основе анализа транзакций 500 крупнейших американских интернет-магазинов корпорация IBM опубликовала отчет, согласно которому сетевые продажи в США в так называемый Киберпонеделник выросли на 30,3% от уровня прошлого года. Таким образом, Киберпонеделник 2012 стал крупнейшим торговым днем в интернете в текущем году. Суммарный объем выручки превысил 1,55 млрд. долларов.

В отчете IBM указывается и на то, что 18% заказов в онлайн-магазинах были сделаны через то или иное мобильное устройство, а за год количество мобильных заказов выросло на 70%.

Sony презентовала 4K-телевизор за 25 000 долларов

Коллекция новых, оцифрованных и восстановленных фильмов производства Sony Pictures поставляется с новейшим видеоплеером и 84-дюймовым (213 см) телевизором ультравысокого разрешения за 24 999,99 долларов. Новый телевизор Sony имеет разрешение, которое вчетверо превышает HD-разрешение.

Многие производители и кинокомпании называют новый стандарт Ultra HD, также известный как 4K, дальнейшим развитием ТВ-индустрии. Однако как и у любой технологической новинки, у нового стандарта есть очевидные проблемы: нехватка контента, отсутствие широкой поддержки со стороны контент-издателей, а главное — космические цены. Впрочем, в Sony убеждены, что в перспективе цены на новинку обязательно снизятся, так как продукты Ultra HD пойдут в массовое производство. Выводя 4K-телевизоры уже сейчас, Sony надеется быть на рынке первой и достигаться до наиболее платежеспособной аудитории.


МАГАТЭ: хакеры не похитили ничего секретного

Глава агентства ООН по атомной энергетике Юкия Аmano заявил, что в результате хакерского инцидента, имевшего место на днях, злоумышленникам не удалось получить каких-либо секретных данных. В то же время, он официально признал, что нападение было и хакерам в принципе удалось проникнуть на серверы Международного агентства по атомной энергетике МАГАТЭ.

В ООН пока ничего не говорят о своих предложениях относительно того, кто мог бы стоять за атакой, однако замечают что в последнее время фиксируют повышенный хакерских трафик с территории Ирана в адрес серверов ООН.

Хабар +tv

ДУШАНБА — 10 ДЕКАБР



5.55 Курсгуварлар дастури.
6.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
7.00 "Икки дунё", Т/с.
7.20 "Ифтихор".
7.25 "Кўнгли қушиқ истайди".
7.35 "Иқлим".
7.40 "Онам ва одам" дастури "Замин гаройиботлари".
8.00 "Тахлинома".
8.40 - 9.40 "Миллатин" дастури.
9.40 "Моҳир кўлар".
9.50 "Тонти гафта", Т/с.
10.40 "Иқлим".
10.45 "Саломатлик сирлари".
11.00 "Абдор".
11.10 "Ватанпарвар".
11.55 "Иқлим".
12.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
12.50 "Кўнгли қушиқ истайди".
12.55 "Доктор Хаюс", Т/с.
13.40 "Ҳидоят сари".
14.00 "Абдор".
14.15 "Тарихий дастури".
14.45 Ўзбек киноси "Урғуш".
15.45 Жаҳон муносибати хабарнома.
Россия: "Золушка", 1-қисм.
16.40 "Икки дунё оралиғи".
20.00 "Абдор".
17.10 "Тарих қўлуғи".
17.20 "Эртисар" ҳақиқатқа етаксир".
18.00 "Кўнгли қушиқ истайди".
18.10 "ТВ - шифокор".
18.15 "Мен - ёшломани".
18.30 "Ифтихор".
18.35 "Доктор Хаюс", Т/с.
19.25, 20.00, 20.55 Эълонлар.
19.30 "Абдор" /рус/.
20.05 "Оттин мерос".
20.15 "Ов ақидалиги қўли", Т/с.
21.00 "Абдор".
21.40 "Муносабат".
22.15 "Марко Поло", Б/ф, 1-қисм.
23.40 "Онам ва одам" дастури. "Замин гаройиботлари".
23.55 - 00.00 "Ову".
00.00 Курсгуварлар дастури.
00.05 "Мен - ёшломани".
00.20 "Моҳир кўлар".
00.30 "Иқлим".
00.35 "Кўнгли қўлуғи" дастури.
"Ўзбекистон обсерваторияси".
00.50 "Кўнгли қушиқ истайди".
1.00 "Абдор" /рус/.
1.30 - 2.25 "Миллатин" дастури.
2.25 "Ватанпарвар".
3.05 "Иқлим".
3.10 "Ассалом, Ўзбекистон!"
4.00 "Абдор".
4.40 Миллий сериал "Умр мангаралари".
5.15 "Саломатлик сирлари".
5.30 "Икки дунё оралиғи".
5.50 - 5.55 "Ову".

20.20 "Зар замони".
20.50 "Эртисар болжонлар".
21.10 "Шайхлар мамлакат", Т/с.
22.00 "Дар".
22.30 "Қоломбо", Т/с.
23.10 "Мўҳажирин дунё".
00.00 "Ватан меҳри".
00.10 "Ёшлик наволари".
00.30 "Дар".
1.00-0.00 Профилактика.



6.00 Курсгуварлар тартиби.
6.05 "Қўзғолоқ кинода ўзининг хоҳишларини" Б/ф.
7.30 "Салом, Тошкент".
8.30 Тошкент тароналари.
8.45 "Саргушайлар оқоли".
9.15 "Интеллектуал аукцион".
9.30 "Пойтахт".
9.40 "Интерва".
10.10 "Камер оркестрининг концерти".
10.30 "Пойтахт", /рус тилида/.
10.40 "Эртисар ағалари".
10.55 "Ёмғир оқими", Б/ф.
13.00 "Салом, Тошкент!"
14.00 "Дунё" теледастури.
15.00 "Пойтахт".
15.15 "Экваторда", Т/с 36-қисм.
15.45 "Бизнес-пойтахт".
15.50 "Мажрифт файиллари".
16.05 "Товни курасти".
16.30 Тошкент тароналари.
16.45 Муллагерал: "Айиқа Гамаи".
17.10 "Уяйдари".
17.15 "Қасбим-файрим".
17.25 "Пойтахт йўллариди".
18.00 "Пойтахт".
18.25 "Интеллектуал аукцион".
18.35 Миллий сериал: "Умилатини суришти", 17-қисм.
19.05 "Эртисар".
19.25 Тошкент тароналари.
19.40 "Теле-маркет".
20.00 "Пойтахт".
20.25 "Хайри тун, болжон".
20.35 "Фақат қўлар учун".
21.00 Тошкент тароналари.
21.15 "Интерва".
21.25 "Теле-маркет".
21.50 "Дениз ҳумдорлари", Т/с.
22.30 "Пойтахт", /рус тилида/.
22.55 "Жаҳон ақибети", /рус тилида/.
23.10 "Эко-пойтахт", /рус тилида/.
23.20 "Кино SMS", /рус тилида/.
23.25 "Сўнги легенд", Б/ф, /рус тилида/.
00.55 Курсгуварлар тартиби.
1.00 "Турғам ҳақида", /рус тилида/.
1.30 "Дарго Ваны бошланғич", Б/ф.
3.20 "Уяйдари".
3.25 "Кўнгли доирасида".
3.40 "Қўзғолоқ кинода ўзининг хоҳишларини" Б/ф.
5.00-6.00 "Салом, Тошкент"



6.10 "Хайри тон".
6.10 "Саломат брини".
6.30 "Спортичлар оиласи".
7.05 Жаҳон спорти юдуллари - Патрик Кловер".
7.25 Болалар маддрасида.
Тонти гимнастика.
"Спортландия", Мультифильм.
8.00 ХАБАРЛАР.
8.30 "Саломат брини".
8.55 Футбол. Англия чемпионати. "Манчестер Сити" - "Манчестер Юнайтед".
10.40 "Спорт - менинг ҳаётим".
11.15 ФУТБОЛ. КИУБЛАР УРТАСИ-ДА. ЖАХОН ЧЕМПИОНАТИ.
12.55 Рақамлар, нитикалар, реитинглар.
13.00 ХАБАРЛАР.
13.15 Болалар майдончаси.
"Спортландия", Мультифильм.
13.45 "Ринг қироллари".
14.45 Бигалдон. Жаҳон кубоги.

16.15 Футбол. Испания чемпионати. "Бетис" - "Барселона".
18.00 Болалар майдончаси.
"Спортландия", Мультифильм.
18.25 "Элфлор".
18.30 ХАБАРЛАР.
18.55 ФУТБОЛ. Италия чемпионати. "Интер" - "Наполи".
20.35 "Спорт - маркет".
20.45 "Футбол шарҳи".
21.25 "Элфлор".
21.30 ХАБАРЛАР.
21.55 ИНТЕРФУТБОЛ.
23.35 Сешаби дастури анонси.
23.45 Трамплиндан сакраш. Жаҳон кубоги.
1.25 Гаубол. Европа чемпионати.
2.40 Керани. Европа чемпионати.
3.45 - 5.50 Жаҳон кубослариди.
То-ваниси. Чағни иски кураши.



07.00 08.10 10.30 11.30 15.20 17.00 19.40
20.30 01.20 04.00-05.00 "TVM" наволари
08.00 "Prime time".
09.40 "Сервал "Без следа".
11.30 "Шайх илора-4 худ. фильм".
14.10 "Сериал "Ўзбекистон йўллари".
15.10 "Prime time".
16.00 "Доғда қалдириш".
17.50 "M&TV-2012".
KUNDALIKLARI.
18.00 "Премьера".
18.30 "Prime time".
18.40 "Сериал "Ўзбекистон йўллари".
20.00 "Топ-10".
22.00 "ВЛАСТЕЛИН КОЛЕЦ".
БРАТСТВО КОЛЫБИ", Х/ф.
02.00 Фильми, қаторлари доғжолы унаветь: "Кто-то пролетел над гнездом кукушки" № 20 по версии "TVM".

04.00, 08.05 "Доброе утро".
08.00, 11.00, 14.00, 02.00 Новости.
09.05 "Жить здорово".
10.05 Молвий приговор.
11.15 Контрольная закупка.
11.40 "Время обедать".
12.15 "Делу и сдержано".
13.00 Другие новости.
13.25, 17.40 Понять. Простить.
14.30 "Доброе зороньяты".
15.20 Т/ф "Убойная сила".
16.10 Т/ф "Нервный бряк".
17.00 Вечерние новости.
18.10 "Давид поженится".
19.00 "Гость, говори".
20.00 "Время".
20.30, 02.05 Т/ф "Отражение".
22.20 "Вечерний Ургант".
22.55 "Свобода и справедливость".
23.50 Ночные новости.
00.05 Х/ф "Настя".

РОССИЯ 1


04.00 Утро России.
08.00 "1000 мелочей".
08.45 "О самом главном".
09.30 Т/с "Кувалды и партнеры".
10.00, 13.00, 16.00, 19.00 Вести.
10.30, 13.30, 16.30, 18.40 Вести-Москва.
